

Баҳлул раҳимаҳуллоҳ ва Ҳорун ўртасидаги баҳс



11:30 / 29.05.2021 3154

- Эй Ҳорун! Эй Ҳорун! Эй синовга учраган! Сенга қачон ақл киради?

- Ким ақлсиз! Мен-ми ёки сен?

- Мен ақллиман, эй Ҳорун!

- Қандай қилиб сен ақлли бўлишинг мумкин?!

- Бир кун келиб сенинг қасринг йўқ бўлишини, солиҳ амаллар эса боқий қолишини билдим. Шу боис, қабримни солиҳ амаллар билан обод этдим. Сен эса қасрингни обод қилиб, қабрингни хароб этдинг. Шунинг учун обод маскандан хароб жойга кўчиб ўтишни ёқтирмайсан. Ваҳоланки, ўша қабрга бир кун қайтишинг аниқлигини биласан. Айтчи Эй Ҳорун, бу ақлсизлик

эмас-ми?

- Аллоҳга қасамки, рост сўзладинг! Яна насиҳат қил!

- Сенга Аллоҳнинг Китоби кифоя қилади. Уни лозим тут! Унда хабар ва ибратлар бор.

- Бирор ҳожатинг бўлса, айт!

- Ҳа, учта ҳожатим бор. Агар уларни раво қилсанг, сенга ташаккур айтардим.

- Албатта, бемалол!

- Умримни зиёда қил!

- Қўлимдан келмайди.

- Ўлим фариштасидан мени ҳимоя қил!

- Бунга қодир эмасман.

- Мени жаннатга киритиб, дўзахдан узоқлаштир!

- Йўқ, бундай қилолмайман!

- Ундай бўлса яхшилаб қулоғингга қуйиб ол! Сен қулсан, подшоҳ эмассан. Менинг эса қулларга эҳтиёжим йўқ.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси